



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



# ЖАЛЛК СЎЗИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

3 июнь, пайшанба № 106 (611). 1993 йил. Сوتувда эриш нарҳда.

Ислон **КАРИМОВ:**

## АЖДОДЛАР ХОТИРАСИНИ УЛУҒЛАШ — ЯХШИЛИК БЕЛГИСИ

Ўзбек билан қозоқнинг ери ерига, дили дилига туташ. Бу икки халқ ўртасида қадим-қадимдан қудратлилик мавжуд.

Аслида бу гаплар фақат Ўзбек билан қозоққа эмас, бугун биз Марказий Осиё деб атаётган минтақада яшовчи барча халқларга бирдай тегишли. Бу табаррук замин халқларининг тўй-ҳашамлари бир-бирининг иштирокисиз ўтмаган. Ота-болаларимиздан қолган бу урф, бу анъана эндиликда қайтадан тикланмоқда. Халқларимиз, юртбошларимиз ўртасидаги ўзаро ақиллик, меҳр-муҳаббат, бевосита мулоқотлар ривожланмоқда. Шундоқ ҳам, бу даврда тили, дили, урф-одати бир бўлган қўшни республикаларга боғиш, у ердаги тадбирларда иштирок этиш учун ҳам марказнинг имоди зарур эди. Шунчалар бўлсинки, энди бундай «имодлар» сиз ўз ишимизни билиб қилаверамиз, хоҳлаган жойимизга борамиз, истаган давлатнинг раҳбарини таниб эга оламиз. Мустақилликнинг энг буюк самараларидан биридир бу.

Шу йилнинг 28 майда Чимкент вилоятида ўтган таъналар, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаевнинг тақдирига кўра, у ерда Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари Ислон Каримов ҳамда Аскар Араевнинг иштирок этиши ана шу фикрларнинг амалий бир ифодаси сифатида намойён бўлди.

23 май эрта тонгда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовни Чимкент аэропортида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев, республиканинг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар. Ҳар иккала республиканинг давлат мадҳиялари янгради.

Меҳмонлар меҳоблар ҳамроҳлигида таъналар ўтказилган жой — Жанубий Қозоғистоннинг Урдабоши деб аталган тепаликларига йўл олдилар. Урдабошига бугун Қозоғистон аҳолиси оқиб келарди гўё. Юз минглаб одамлар қозоқ халқининг XVIII асрда ўтган ардоқли фарзандлари Тўла бий, Қозибек бий ва Айтбек бийнинг хотирасига бағишланган таъналарда иштирок этиш учун ошқарди.

Бу ерга қўлланганлар уч давлат Президентлари — Ислон Каримов, Нурсултон Назарбаев, Аскар Араевнинг ҳамкорлигида қўриб, диллари яйради, чеҳралари ёришти, кўзалари қувонди. Зотан, халқларнинг дўстлиги, аҳил ва инқилиб, бир-бирини ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаши аввало, давлат раҳбарларининг ўзаро ақилчилиги, яқинлиги билан бўлади. Бунинг одамлар биланлиги. Шу билан Президент Урдабоши кенгашида бўлаётган одамлар орасидан ўттишганда минглаб аёлу эркак, яшучу кенса баравар оқилларидлар уларни. Ақилликларнинг Оллоҳ ўзи ёмон кўза-

дан арасини, деб дуо қилди оқсоқоллар. Қозоғистон Президенти тантанани очар экан, мустақилликка эришгандан сўнг қозоқ халқи ўз ўтмишига бошқача кўз билан қараётганини, миллий қадриятларини тиклаш, аждодлар руҳини шод этиш учун бир мунча ишлар олиб борилаётганини, бирлик, ҳамкорлик бугун ҳар қачонгидан кўра муҳимроқ эканини таъкидлади.

Байрамнинг очилиш маросимида Президент Ислон Каримов нутқ сўзлади. У ўзининг, бугун Ўзбек халқининг номидан байрам иштирокчиларини табриқлади. Турон заминда яшаётган халқларнинг илдизи, мақсади бир, деди Президентимиз. Уларни ҳеч қачон бир-биридан ажратиб бўлмайдди. Ўзлар катта бир чинорнинг шохлариниз. Тилимиз бир, динимиз бир, урф-одатларимиз бир.

«Ўзбекининг ҳам, қозоқнинг ҳам, қирғизнинг ҳам асрий орзулари амалга ошди. Халқларимиз ўз давлатларига эга бўлди. Энди бизлар бир ёқдан бош чиқариб, кўлни қўлга бериб, порлоқ истибтоқ буюмларини қўришимиз керак, — деди Ислон Каримов. — Халқларимиз бугунги кунда катта қийинчиликларни бошдан кечиришга барчамизга аён. Бугунги мушкулдан фойдаланиб, бизнинг орамынга соғулик солишга, ҳақто бир-биримизга қарши гиж-гиллашга ҳаракат қилаётган кучлар ҳам бор.

Бизлар, айниқса, бу ерга йилгилан давлат раҳбарлари, битта нарсага жуда яқин бўлиб олишимиз керак: Турон заминда яшаётган халқлар бирлашса, бир-бирини қўллаسا, бир-бирининг ёмон кўздан асраса, турли қўпурчиликларнинг ёлғон ваъдаларига учмаса — ана шундангина биз ҳақиқий мустақилликка эришамиз... Уйлаيمанки, бугунги таъналар — қозоқ халқининг учта атоқли бийини хотирлашга йилгиланмиз — Марказий Осиё халқларининг янада яқинлаштиришга, бир жон ва бир тан этишга хизмат қилади.

Чиндан ҳам, Турон тупроғи халқларининг ҳамкорлиги бугун ниҳоятда зарур ва муҳим аҳамиятга эришди. Шу жиҳатдан у қозоқ бийининг хотирланиши ҳам ўзига хос равишда маънога эга. Чунки бу бийлар ёнга-қўнғарларга қарши курашда қозоқ халқини бирлаштирган, уларни аҳилликка даъват этган. Шу бийларнинг савб-ҳаракатлари тўғрисида қозоқлар биланлиб, бир ёқдан бош чиқариб ёлғон ваъдаларига қўнғарлар асар қолганлар. Бу бийларнинг фаолияти, ўша тарихий воқеалар бугун учун намуна бўлмоғи зарур. Қозоқнинг ҳам, Ўзбекининг ҳам қирғизнинг ҳам мустақиллигини (Давоми 3-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Н. Н. ЕҶУБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИВ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Носиржон Норович Ежубов Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**. Тошкент шаҳри, 1993 йил 28 май.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ («ЎЗФАРМСАНОАТ») ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОНЦЕРНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Дори-дармонлар ва биология моддалар ишлаб чиқарувчи бирлашмалар, корхоналар, тақчилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, фармацевтика саноатини янада ривожлантириш ва республика аҳолисининг дори-вақчаларга бўлган эҳтиёжини яхшироқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзкимфарм» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Вакцина» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Кимё технологияси ва каталон илмий-тадқиқот институти, Кимё ва пахта целлюлоза технологияси илмий-тадқиқот институтининг Ўзбекистон Фармацевтика саноати («ЎзФармсаноат») давлат-акционерлик концернини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

2. Белгилан қўйилсинки, Ўзбекистон Фармацевтика саноати («ЎзФармсаноат») давлат-акционерлик концерни: ўз фаолиятида Вазирлар

Маҳкамасига ҳисоб бериб туради; бирлашмаларни, корхоналарни ва мулкчиликнинг барча шаклларидаги тақчилотларни акциялар билан таъминлаш принциплари асосида уларни ихтиёрий бирлаштириш ҳамда тақчилотларнинг ҳўжалик мустақиллигини ва юрдиқ шахс ҳўқуқларини сақлаб қолади; Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган низоми асосида ишлаб чиқариш — ҳўжалиқ фаолиятини амалга оширади;

Фармацевтика саноатини ривожлантириш учун марказлаштирилган тарзда концернга ажратилган капитал маблағлар ва моддий-техника захиралари дивидендларини тақсимлайди ва тақсимлайди; Концерни таркибига кирувчи бирлашмалар, корхоналар ва тақчилотларни акционерлик, жамоа, қўшма корхоналарга ва мулкчиликнинг бошқа турларига айлантириш, жумладан, бу

ишни хоржий юрдиқ шахслар, фирмалар ва давлатлар иштирокида амалга ошириш тўғрисида белгиланган тартибда тақлифлар киритади.

3. Кўйилган «ЎзФармсаноат» концернининг асосий вазифаларидир: дори-дармонлар ишлаб чиқариш, тақчил этиш, аҳолининг даволаш-профилактика муассасаларининг дори-дармонлар, биология моддаларига, бошқа тиббий ва санитария-гигиена маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондиришга оид тадбирларни амалга ошириш;

фармацевтика саноатини комплекс ривожлантириш, ушбу тармоқ корхоналарини худудий жиҳатдан жойлаштириш тақомиллаштириш, табиатни муҳофаза қилиш сўбатини ўтказиш масалалари юзасидан давлат ҳўқимияти ва бошқарувининг республика ҳамда маҳаллий органлари билан ҳамкорлик қилиш; доривор воситалар ва уларни ишлаб чиқариш

технологияларини яратиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ягона илмий-техника сўбатини ўтказиш;

республикамизда доривор моддалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хоржий ширналар билан илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорликни тақомиллаштириш ва кенгайтириш ҳисобига уларнинг четдан харид қилишни қисқартриш дастурини ишлаб чиқиш ва илтифат амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 20 кун муддат ичда «ЎзФармсаноат» концернини ташкил этиш ва унинг фаолиятини масалаларига дори қарор қабул қилини, концерни тузилимаси ва устанвини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**. Тошкент шаҳри, 1993 йил 2 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА  
Муқаддас Ийд ал Адҳа муносабати билан Сиз, жаноби олийларини, Нордания қироллиги ва ҳўқумати, халқ номидан муборакбод этаётганимдан мамнунман. Биродар Ўзбекистон халқига зафарлар ва фаровонлик тилайман.

Нордания қирони Ҳўсайн Бириччи.  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сизни муборак Ийд ал Адҳа байрами билан саниимий табриқлаб, буюқ Аллоҳдан барча мусулмонларга юксак хайрхоҳлик беришини, Сиз, жаноби олийларига сўбат-саломатлик ва бахт-саодат ато этишини тилайман. Ўзбекистон халқига, барча мусулмонларга фаровон ҳўбет ва қўрқамлик ёр бўлсин.

Уммон Султони Қўбус бин САИД.  
ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ ҚАРИМОВГА

Жаноби олийлар! Аввало, Афғонистон ислом давлати ва шахсан ўз номидан сиз ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқини Қўрбон ҳўбет билан табриқлайман.

Халқларимиз ўртасидаги қардошларча анъанавий дўстликнинг тарихий илдизлари бор, бу дўстлик давр синновдан ўтган, кун сайин мустақамлашиб, кенгайиб бормоқда. Қардош Ўзбекистон халқини билан дўстлик, тарихий ва маданият илдизларининг муштарақлиги, шунингдек яқин қўннилик муносабатларига асосланиб, дўстликни янада ривожлантириш ва мустақамлашнинг умид қиламан.

Кези келганидан фойдаланиб, Сизга ва оилангизга сўбат-саломатлик, узоқ умр, муваффақият, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, эриклик ва фаровонлик тилайман.  
Эҳтиром билан Муҳаммад ОМОН, Афғонистон ислом давлатининг муваққат ишлар вақили.

### ЎЗБЕКИСТОН Вақаним манум

«Халқ сўзи» ва Ҷз А мухбирлари хабар қиладилар

ИШ ВЛГАН ЮТАДИ  
САМАҚАНД. Бир гуруҳ ишбилармонлар Хитой сафаридан қайтишти.  
УЛАР Пекин, Сиань, Ханьгуануан сингари йирин саноат марказларида бўлишти. Самарқанда тамани ва тикунчилик маҳсулотлари чиқаридиган қўшма корхоналар очинга ақдлаштиди. Хитой халқ тақобати маркази ташкил этилган бўлди.

ҲАММА ҶЗ-ЮРТНИНГ АРДОҚЛАЙДИ  
АСАКА. Маданият ва истироҳат бўида ўтказилаётган «Гўла, ишпа, Андижоним» фестивали иш ҳўксига өтди.

МЕХНАТ жамоалари ва ўқув юртрларининг бадий ҳаваскорлик ансамбллари, саҳна цирки усталари, миллий кураш мусобақалари фестивалга файз киритди. Рассомлар, халқ унарманчилиги, лавандалик маҳсулотлари кўргазмаларини томоша қилганлар қадимий ўлканинг истиқболи порлоқ өналарини таъкидлаштиди.

ХОРИЖИЙЛАР НИМА МАСЛАХАТ БЕРИШАРКИН?  
ТОШКЕНТ. Бозор иқтисодидаги ўттиш тақомилларига бағишланган халқаро симпозиум иш бошлади.

ЭЛИКҚАН энг хоржий мамакатлардан келган минг нафардан ортиқ олимлар, ишбилармонлар, турли соҳа мутахассислари ўз тақриблари билан ўртоқлаштиди. Республика саноат корхоналари, илмоқлари иш фаолиятини билан таъкидлаштиди.

ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СОВҒАСИ

ФАРҒОНА. Қўрқони Карим иш тоби ва өятлар энгилан тасма Фарғона диндорларига топшириди.  
УЛАРНИ ўтган йили Саудия Арабистонини подшоҳи Ўзбекистон Президенти сафари чоғида ишом өтганиди. Ҳўйт кунари масжидга келганлар ана шу муқаддас китобни ҳам тақоб қиладилар.

### Мавлон УМУРЗОҚОВ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДАВЛАТ МАСЛАХАТЧИСИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕПУТАТИ

## ИСТИҚЛОЛ МАФҚУРАСИ ВА КАДРЛАР СИЁСАТИ

Ўзбек халқи ўз тарихий тараққиётининг янги босқичи — давлат тузумининг янги ерасига қараб қадам қўйди. Юз йиллар озуланган Мустақиллик бугун еримизда, қонунларимизда, байроғимизда, маҳкамимизда намойён бўлиб, қарор топмоқда. Бугун юракларимиз, тафаккуримиз қай аҳволда? Бирон анжуманда Ўзбекистон маҳкамиси янгради, ўрнидан туриб-турмай қолган одамларни, ўзини қандай тутишини билмай илгариланган кишилари, шунчани иккиланиб турганимизни қандай аҳола мўъжизаси. Бу нима? Гофилликми ёки мерос лоқайдликми? Бу ҳолатлар одамни чўқур ҳаёлга солиди.

Юрориданги ҳолатларда миллий онг ўзини нечун тутади? Сийсий маданиятимиз қай аҳволда? Келинг, шарҳона ҳикमतларга мурожаат қилайлик. Мустақиллик боболаримизнинг қони, жони, орзу-умидлари эвазига қозонилган буюк ва оламшумул ғалабадир. Биз энди Машраб исени, Чўлпон, Фиррат ва бошқа улў маърифатчиларнинг ҳўёти ва ўлими сабабларидан аниқ ҳўлоса чиқариб, бугуннинг дафтарига — истиқлолимиз мафҳумига тегишли сатрларни ёзишимиз керак.

Жавоҳарлар Неру: «Ҳеч бир азоб-ўқубатлардан қўрқмай Ҳиндистон келажак учун тақсубам ва иштиёқ билан илгариланган эркаклар ва аёллар, ўғил-қизларни кўрмоқ нақадар аюбий мўъжизадир!» — деган эди. Шу ўрннда бошқа тарзда айтилган, лекин биз бугун чанқоқлик билан излаётган тўғрўга жавоб бўлувчи Алишер Навоий бобомизнинг қўйидаги сўзларини қиёсан келтирмоқчи истар эдим: «Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл», тила хилвату анжуман ичра бўл».

### Буюқ мунажжимга бағишланди

Давр ўтиши билан сийқалиб, сарғайиб кетган бир сурат бизнинг куналарга етиб келган: хашаматли айвон, унинг томига юлдузларини кўзатидаган асбоблар териб қўйилган. Айвон шипига эса юлдузли осмон харитаси чизилган. Урдабоши улкан жонтак атрофида ўз даврининг дўнға доғ тарафда кишилари ўтиришди. Фалакит илмининг асосчиларидан бири — Урания ранглигида буюқ мунажжимлар йилгилани бўлишти. Ҳар бир олим учун ажратилган жойнинг тепасига — деворга пешлаҳа осилган бўлиб, унга ўша зоти олийнинг фўнга қўшган ҳиссаси зикр өтилган. Улар орасида биз қадим-қадимда шухрат қозонган Клавдий

Птолемейни, полшалик Николай Коперникни, даниёллик Тихо Брагени кўрамиз. Ураниянинг ўнг томонида — энг турда ўтирган ким? Мовароуннаҳрдан, Самарқандек шаҳри азимдан олимлар сўҳбатига таъриф буюрган Мирзо Улўбек бўладилар бу киши! Ҷнеттинчи асрда, фўжияли ўлимидан сўнг 200 йил ўтгач чизилган суратда сиймоси муҳрланиб, олимлар даврасининг турндан жой ажратилгани самарқандлик мунажжимнинг фалакит илмининг ривожлантиришдаги хизмати беизоб эканидан далолат беради.

Истиқлол незматлари да бахрамад ўзбек халқи ўзининг Мирзо Улўбек наби бўрҳўёти фарзандлари билан фахрланади, уларни ардоқлайди, руҳини шод этади. Аллома таваллудининг буюқ йилгиланга таъбирларини бўршиш ва уни ўтказиш Республика қўмитасининг Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлиси фикримизнинг ёркин далилидир.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир, Ташкилий қўмита раиси Абдулҳўшим Муталов мажлисини очар экан, буюқ ватандошимизнинг тантанали маъракаси нафақат учинг, айни вақтда тарихи асрлар қачинда тахланиб өтган миллатимизнинг ҳам катта тантанасига айланаётганини таъкидлади. Бунинг учун эса белгиланган режаларни ЮНЕСКО тадбирлари қатори-



Бу йил Чуст туманидаги адир жойда таърибга ҳўжалиги ташкил этилиб, турли хил мавали дафҳатлар өкилади.  
СўРАТДА: Янги «Анор» хўжалигининг бош агрономи Юсуфқони Шоназаров.  
Тасвирчи Ш. ОЛИМОВ.

ЯНГИЛИКЛАР  
ФАКТАР  
ВОКЕАЛАР



Аждодлар хотирасини
улуслаш — яхшилик белгиси

(Давоми. Боши 1-бетда).

қил бўлганини, ўз давлатига,
ўзининг ҳақиқий юртбошига
ага бўлганини кўролмаган
ғанимлар эгэ эмас. Буни
минтақамиздаги ҳар бир киши
— ёш, касби, лавозими
мидан қатъи назар — чуқур
англаб етмоғи зарур...

мамлакатда ҳам осойишта-
лиги, хотиржанлик маъвулидиги,
ана шу энг катта бойлик
эканини таъкидлашлар.
Қариялар юртбошинларни
кайта-қайта дуо қилдилар.
Уларга ҳурматнинг рамизи
«фатида Исрол Каримов
Аскар Ақаев ва Нурсултон
Назарбоевга биттадан туппо
совага етилар.

хам кўринди. Миллий кураш,
айтишувлар, оломон пойга
ва бошқа томошалар шундан
далолат берди.
Кечга томон Президент-
лар Исрол Каримов, Нурсултон
Назарбоев, Аскар
Ақаев ва уларнинг ҳамроҳи
Чимкент шахри қйини-
даги Дендро паркида ташир-
буридлар. Азия ва ҳурмат-
ли меҳмонлар учун баҳаво
бу максонда ажратилган хиё-
донга Ўзбекистон Президенти
Исрол Каримов, Қирғиз-
истон Президенти Аскар
Ақаев дарахт экидилар. Президенти-
миз Исрол Каримов
боринг фойқий меҳмонлар
китобига дил сўзларини баёи
қолдирди.

СИНОВЛАР ХОЛИСИ ВА
ҲАҚҚОНИЙ ҲУДАДИ

Мустоқил давлатимизда
амалга оширилаётган йиллик
ислохотлар кичида таълим-
тарбия тизимини такомиллашти-
ришни соҳаси алоҳида ўрин
эгламоқда. Республикаимиз
Президенти Олий Кенгаш ва
ҳукуматимиз миллий давлат-
чиликнинг илқ кунларини
давоқ таълим самардорлиги
гини ошириш, мустоқил юр-
тимиз халқ ҳўналтиш юқори
малакали мутахассислар
билан таъминлаш масаласига
жиддий эътибор қаратди. Ай-
ниқса, талабаларини олий ўқув
юртларига тест синовлари
орқали қабул қилиш тизими
жорий қилинганини ибратли
воқеа бўлди.

талабаларини тест синовлари
орқали қабул қилиш, аввало,
ўқувчининг билиминини ҳолиқ,
ҳақиқоний баҳолаш ва билим-
нинг юбилитини болаини таъ-
лим олинган кенг имконият-
ларга оқитганини алоҳида
таъкидланди. Бу йил ўтказил-
ганда тест синовлари
даврида таълимий ишларни
янада такомиллаштириш,
ўқувчилар ўз билимларини
намоийш қиля олишлари
учун барча шарт-шароитларни
яраташ хусусида аниқ тад-
бирлар белгиланди. Шунинг-
дек семинар-кеңашда қабул
даври (15 июндан 15 июлгача)
муддатлари, тест синова-
ларини топиштириш тиллари (ўз-
бек, рус, қоракалпоқ) ҳам
белгиланди.

диган ўқувчиларни тўри та-
лаб олиш имконини яратади.
Отасоналарнинг қўлбел
норозиллигига барҳам берил-
ди.
Тест синови тизимни фақат
ўқоридиған ижобий хусусият-
ларигагина эборат эмас.
Унинг энг афзал томони,
асосий моҳияти республика-
миз келажига билан боғлиқ.
Жамиятда келадиган ҳар қан-
дай иқтисодий, сиёсий исло-
хотлар тақдирини өтук му-
тахассис-кадрлар ҳал қилади.
Тест синовларининг жорий қи-
линиши эса республикаимиз
олий ўқув юртлири талаба-
лари тарбиясини сифат жиҳа-
дан яхшилашга олиб кел-
моқда. Ўзбекистонимиз иқ-
тисодий, фани ва техника-
сини, гуманитар соҳаларини
жаҳон стандартлари даража-
сидаги кадрлар билан таъ-
минлашга кенг истиқбол оч-
моқда. Худди илгор мам-
лакатларда бўлганидек, бизда
ҳам профессионал-кадрлар
корпуси шакллана бошлади.
Семинар-кеңашда ижодий
мутахассисликлар учун қўл
баллик тизим бўйича имти-
хонлар ўтказиш маъқул топ-
илди. Чунки алоҳида ту-
ма истеъод талаб қиладиган
(консерватория) мута-
хассисликлар бўйича тест
синовлар ўтказиш кутилган
натижани бермаслиги му-
مкин. Шунингдек, туркман,
тожик, қирғиз, қozoқ мактаб-
ларини такомиллаштириш
ўқувчи-
унверситети ректори Р. Жу-
раев ва академик А. Аскарров
ва бошқалар қабул қарарини
ўтказиш билан боғлиқ маса-
лаларга йўталди, бир қанча
файр ва таклипларини ил-
гари сурдилар.

БУЮК МУНАЖЖИМГА
БАҒИШЛАНДИ

га киритиш, юртимиздаги
Узбекистон давлат тарихий
қўлдари тинлаш ва таъ-
мирлаш зарур.
— Маълиқ қатъийчилиги
Мирзо Улуғбек юбилейини
ўтказишга алоқдор ҳошим-
ликлар вазириликлар, таш-
килотлар ва илмий муасса-
саларга раҳбарлари шу
қунгагача амалга оширилган
ишлар, ечишлик керак
бўлган муаммолар ҳақида
гапирдилар.
Тошкентда Мирзо Улуғ-
бек ҳайкали ўрнатилди.
Самарқанд, Бухоро ва Ўз-
бекистондаги Улуғбек мадраса-
лари тикланди ва таъ-
мирланди. Ўзбекистон Фан-
лар академиясининг математика,
филаният, физика соҳа-
сида яратишган энг яхши
натиялар учун Улуғбек
ломидига халқор муқофоти
таъсис этилди. 1994 йилда
юбилей ташгалари, кўркам
нишонлари, маркалар, кон-
вертлар, сова-салом буюм-
лари чипарилди. Тошкент
шаҳрида «хорижий олимлар
ва меҳмонлар иштирокнда
илмий анжуман ўтказилди.
Улуғбек ва унинг даври ҳа-
қида бадий ва ҳужжатли
фильмлар яратилди. Хул-

лас, буюк бобоналимизнинг
таваллуд маъраксини
ўз истиқлолнинг мустақамла-
лаётган миллиатини мада-
ниятни ва маънавияти кўри-
нича айлантириш борасидаги
режалар қатта. Ҳамма гап
уларнинг қўнидагидек ба-
жаришда. Бунинг учун эса
марказий имкониятлардан
самарали фойдаланиш, ишлар-
ни вақтида мувофиқлашти-
риб бориш зарур.
Шу мақсадда юбилей та-
таналарига тайёргарлик қи-
риш ва уни ўтказиш маъму-
рияни тузилди. Энг муҳими,
дейилди мақсадда, бундай
тадбирларни ўтказишда пай-
до бўлган андозалардан
фойдаланмаслик, ҳар бир
юбилейнинг ўзига хос жи-
ҳатларини эътиборга олиш
лозим.

Маълиқда юбилейни тай-
ёрлаш ва ўтказишга доир
тадбирларни маълум билан
таъминлаш масаласи ҳам
кўриб чиқилди.
Ташқиий қўнига мажли-
сида Бош ваъзи ўринбосар-
лари М. Назарбаев, К. Тула-
ганов, Тошкент шаҳар ҳо-
нимни А. Фозилбек, Самар-
қанд вилояти ҳоқими П. Аб-
дураҳимов қатнашдилар.
Ваҳодир АБДУЛЛАЕВ,
ЎзАА мухбири.

М. ҚАЗРАТҚУЛОВ. (ЎзА).

Академик Иброҳим МҮМИНОВ таваллудинин 85 йиллиги

ТОТАЛИТАР коммунистик тўзум ленинча
сиёсат инқоиб остида очинган-очиқ ўзравонлик,
му-
ставилмаччилик, тобе зақпирларнинг тарихини соҳталаш-
риш сиёсатини амалга қилган 60-80 йиллар оғир
ва қаттиқ пайт эди.

Фанат марказнинг бу йур-
ларини бажарувчи, унинг
қўрсатмалари, йўл-йўридан
четка чиқмайдиган, марказ
файрларнинг «тўриликнинг»
таъкидига турадиган кимса-
ларга қўла-қувватлар ва
рабағлатларидир. Тарихини
холисона ёритиш, Ўзбек
халқи миллий ва маъна-
вий қадриятларини, умуман,
халқнинг тарихий хотираси-
ни тиклаш йўлидаги барча
муштақил фикрлар ва ҳатти-
қаракатлар шарафсиз тан-
қидга учур, таъкиқ остига
олинар ва бостирилди. Ака-
демик И. М. Мўминовнинг
60-70 йиллардаги ўзбек халқи
билан қараш йўлидаги фа-
олиятини 1-2 мисол бунинг
ёриқ далоли бўлиши му-
مкин. И. Мўминов эггалла
турган вазифалари — Ўз-
бекистон Фанлар академияси-
нинг вице-президенти сифа-
тида барча ижтимоий фан
олимлари ва шоғирларини
ўша даврда етакчи ва ҳўк-
мрон коммунистик идеология
ва марксизм-ленинизмга со-
диқ бўлишга қангариди. Лекин
ўзбек халқи тарихининг
соҳталаштирилиши, миллий
уғрин буюк сиймоларини ма-
смаслик, йўри уриш йўли-
даги ҳўружларга у киши бе-
фарқ муносабатда бўло-
масди.

лаштиришдан манфаатдор
бўлган турк ва тожик эзо-
ддорлари — оқсуяқлари каби
ижтимоий қўла билан бир-
галликда кўра аср ўзбекистон-
феодалларига, марказлашти-
ришда кўла қўлашга ин-
тилувчиларга, ўзаро уруш-
ларга ундоғчиларга қарши
кураш олиб борди.
Теур фаолиятининг ик-
кинчи даври асосан 1386
йиллардан бошланиб, 1402
йилгача давом этади. Бу
давр Теурнинг уч йиллик,

қилган ҳўқмдор эканлигини
дадил маълум қилган эди.
Китобда Теур давлати-
нинг тузилиши, уни бошқар-
иш системаи, қўроллик ку-
ралини тизими, умуман ол-
ганда Теурнинг олд дав-
латлархоқ, буюк ташкилотчи
подош эканлиги баён этил-
ган. «Теур тузуқлари»да
Амир Теурнинг асосий док-
тринаси — жамиятга, ижти-
моий-сиёсий ҳаётга қараш,
бирлашган қўдратли феодал
давлатининг сиёсий ва алоқ-
вий принциплари ифодалан-
гандир.
Амир Теурга ҳақиқий ва
объектив баҳо бериш учун
И. Мўминов жуда кўп ва
турли манбаалардан фойда-
ланган. Асарда Теур саро-
нин тарихисини Шарофуллин,

Ўрта Осиё манфаатларини
кўзлаган ҳамда Москва княз-
лари билан алоқа болган-
дан ҳўдада Олтин Ҳўдага қар-
ши кураш олиб борган бўл-
са-да, бу кураш натижасида
у Ўрта Осиёни бирлаштириш-
га қўлмаган, балки объект-
ларини равишда Рус учун
жузда қатта хизмат қилди».
Бу рус шарқшуносининг ха-
лол, тўри фикри. Демак, бу
Амир Теурга объектв ба-
хон биринчи навбатда рус
олимлари берганини таъкид-
лайди. Лекин ҳўқмрон маф-
кура қўролларни бунга
тиштириш билан қарши
чиқиб, Теурни қонқўр бос-
қинчи, унга объектв баҳо
берганларни миллатчи деб
айбонлашга тушдилар. Теур-
нинг Русни мўғул-татар исти-

мақолаларини бериш зарур
эди. Илм-фан аҳли, умуман
тарих, маънавий қадрият-
лар билан қизиқувчи ҳар
бир ўзбекининг қомус бу во-
қеалар, ҳаракатлар, шах-
ларга қандайд баҳо берав
экан, объектв кўрсатувчи
мақолалар ўзлон қилина-
рман», деб кутганлари
шубҳасиз. Улардан дастлаб
қилди. 1 йилд учун И. Мў-
минов томондан тайёрланган
«Амир Теур» мақолиси эди.
Тахминан 1 босма табоқча
яқин мақола қайта-қайта му-
хокама ва тақрирлардан сўнг
нашрга топширилди, коррек-
тураси икки мартаба ўқил-
ди, китоб босмадан чиқариш
учун тайёр қилинди. Ҳўша
қунларда И. Мўминов мени
чақириб, 1 йилдангача Амир
Теур мақолисини олиб таш-
лашни илтимош қилдилар.
Бу мен учун ҳеч кутлмаган
олиб ташлаш учун унинг
ўринини шу ҳажмидаги ва шу
ҳарфдаги мақола билан ал-
маштириш икки қайтадан бут-
ун жилдини верстка қилиш,
бу эса Юмосунинг чиқишини
кеңиктиришни, ўқувчилар
1 йилдан аввало шу мақо-
лани нозиланишни айтиб,
мақолалини сақлаб қолушга
уришиб қўрдим. Шунда у ки-
ши бу йўрқў жуда юқори
доиралардан келганини, ҳа-
то Москва ҳам ва масалая
аралашаётганини айтдилар.
Натижада мақола ўрнига
Амир Теур — қ. Теур
деб ҳавола қилинди. Амир
Теур мақолиси «Теур»
номли билан 11 йилда илтра-
ридан 5 баравар қисқарти-
рилган ҳажмида берилди.

Уша йиллари маҳаллий
кадрлар олимлар, ёзув-
чилар ва бошқаларни ари-
мадан сабаб билан, баъзида
сабабсиз ҳам ўтиш тарихини
маданитини ариш шас-
ларни илоҳийлаштиришда,
миллий келганлигида, умуман
миллатчиликда айбонлаш,
маданитини, илм-фани, миллий
ва маънавий қадриятлари,
масҳур намоёнларини, урф-
одатлари, анъаналари, дўне
моддий ва маънавий хазина-
сига қўшган ҳисаси, худ-
ласа бутун ҳаёти аси этиди.
Унинг дастлабки йилларида
Амир Теур, Бехбудий,
Бобур, жадиқлиқ, жа-
дидлар ва шунга ўхшаш
ўша даврда қаттиқ бўлган

Олимпинг энг машҳур ва
шош-шувига сабаби бўлган
асарлардан бири «Амир
Теурнинг ўрта Осиё тари-
хида тугтан ўрни ва роли»
риносали ҳамда у кишининг
ташабуус билан Октябрь ин-
жилобдан олдин рус тилида
чиқарилган «Теур тузуқ-
ларининг фансийи наштири-
лиги. 1968 йил, июль». Тота-
литар система куриб, ком-
мунистик диктатура энг аниқ
киқидан марксизмгача ки-
ноа хўкимнинг даврида ай-
вон асарини ёзиш ва нашти-
риш — масокат, қарамонда
лик эди. Ушбу асар И. Мў-
минова шўхрат ҳам кел-
тирди, у кишининг номини
улғулади, халқнинг, анди-
ларнинг мионатдорчилигига
сазовор бўлди. Шу билан
бир вақтда бу ринса мар-
казнинг назорат-нафисга тегиб,
норозилик ва забзонини уй-
ғотди. Беғирилган айбон,
маломатлар оқиётида олим
вақтидан анча илгари дунё-
дан қўз юмди.

Хўш, нима учун бу асар
шунчалик шош-шувига сабаб-
чи бўлди? Нега у марказда-
ги шовинистларнинг қадр-
тазабига учради? Чунки
асарда охириги 70 йилгача
биринчи мартаба Амир Те-
мурга бироз бўлса ҳам қо-
лиси, олд баҳо берилганди.
И. Мўминов Амир Теур
ҳаёти ва фаолиятини 2 давр-
га бўлиб қўрсатади: «Бирин-
чи давр — 1360-1386 йил-
лари ўз ичига олади. Теур
бу даврда Мовароуннахрда
мўғул хонлигидан қутқилиб,
мустоқил, кучли марказлаш-
ган давлат тузиш йўлида ку-
рашди. Мовароуннахрда бир-

доси ҳалоскорни сифатида
эътироф этиш русларни ерга
уриш, улар давлатининг за-
ифлигини кўрсатиш ва қан-
дайдир «ёввойи ослиқлик»
юриши натижасида озолик-
ка эришганини тан олмаслик
учун бўлган ҳатти-ҳаракат
эди. Ҳўларнинг муштамаки-
чилирга ўта содиқликларини
намоийш қилишга тайёр и-
шиллар Теур ҳақидаги ри-
носа ва умуман Теурнинг
тарихдаги роли тўғрисида
марказга маълум тушадиган
«илмий» қўрсалар билан
отқилиб чиқилар. Бу қаби-
ларнинг асли худдосини эди...
1968 йил Ўзбек Совет Эри-
ни ва Амир Теурга тўғри ва
объектив илмий баҳо бери-
шга журъат қилгангидир.
Ўз риносалида И. М. Мўми-
нов атоқли рус тарихчи-
сини, шарқшунос проф.
А. Ю. Якубовскийнинг 1950
ва 1955 йилларида нашр этил-
ган «Ўзбекистон халқлари
тарихи»да берилган баҳосига
таънади: «Тўхтамуси кўши-
нини Терек дарёсини бўйида
юр-мор этилиши ва 1395
йилда Берка саройининг хар-
роқ қилиниши Олтин Ҳўдага
жузда кучли зарба бўлди,
шундан кейин у ўзини ҳеч
ўнгалмай олмади. Қадимий
Русга қанчада-қанча жабр-
узул ўтказган давлат жузда
заифланди... Гарчи Теур

Али Язди, Испаниянинг Те-
мур саройидагачи элчис Рюи
Гонзалес Клявико, Заҳиррид-
дин Мўхаммад Бобур, Араб-
шў, Вавмари, В. Барольд,
француз олимни Л. Лангле,
тарихчи олимлар Г. Вебер,
Ф. Шлоссер, Н. Остроумов,
проф. И. Умяков, проф.
Т. Грановский, проф. А.
Якубовский ва бошқа олим-
ларнинг асарларига мувожа-
ат этилган.

Уша йиллари маҳаллий
кадрлар олимлар, ёзув-
чилар ва бошқаларни ари-
мадан сабаб билан, баъзида
сабабсиз ҳам ўтиш тарихини
маданитини ариш шас-
ларни илоҳийлаштиришда,
миллий келганлигида, умуман
миллатчиликда айбонлаш,
маданитини, илм-фани, миллий
ва маънавий қадриятлари,
масҳур намоёнларини, урф-
одатлари, анъаналари, дўне
моддий ва маънавий хазина-
сига қўшган ҳисаси, худ-
ласа бутун ҳаёти аси этиди.
Унинг дастлабки йилларида
Амир Теур, Бехбудий,
Бобур, жадиқлиқ, жа-
дидлар ва шунга ўхшаш
ўша даврда қаттиқ бўлган

ХАЛҚ СЎЗИ

Илмий кадрларни тайёр-
лаш ва тақсимлаш бўйича
Ўзбекистон ФА Президиуми
аппаратида бoш илмий ко-
фи ўринбосари вазирида
Иброҳим Мўминов билан
ишлаш бахтига муяссар бўл-
ганман. У киши ижтимоий
фанлар соҳасида юқори ма-
лакали илмий-педагогик кадр-
ларни тайёрлашни ўз фао-
лиятининг марказига қўй-
ган эди. Иброҳим Мўминовчи
ташабуус билан ижтимоий та-
федралардан — фалсафа
кафедраси ва чет тил-
лар кафедраси кенгаши-
рилади. У кишининг сўз-
ларига қўра ҳар бир олим
чуқур тафаниқ қилиши ва
чет тилда яқин тапирмоғи
шарт эди. Кўпгина нодир
манбалар араб, инглиз ва
француз тилларида бўлган-
лиги учун ҳам чет тилини
билимаслик дунё илминини
билислик билан тенг деб ҳи-
соблаганлар.

Иброҳим Мўминовчи та-
қдир билан чет тиллар ка-
федраси қўнида қатта етиш-
ки олимлар учун бепул тад-
қиқ сулҳазуш гуруҳлари
ташкил этилган, кафедрада
ишловчилар сови тезлик бил-
да қўрилди. СССР
ВАК орқали аспирант ва
стажерлар учун араб тили-
дан номзодлиқ минимуми-
ни топириш йўли қўйил-
ган эди. Академия 7 та му-



А. ВАЛИЕВ,
ЎзФА мухбири эъоси.

БИЛДИРИШ

Тарихий аниқланмаган
спиртли ичимлик истеъмо-
қилниши оқиётида шу йил
29 май куни Навоий шаҳриде-
ги бoғдорчилик жамятларин-
дан бирининг худудинда сак-
киз киши зақарланди, шу-
лардан еттовни қавтдан қўз
юмди. Ушбу воқеа сабаблари
текширилмоқда.

ФАН ЖОНКУЯРИ

тахассислик номенклатураси
ўрнинг ижтимоий фанларнинг
27, чунончи, нузмаматика,
педогогика, психология, гео-
графия ва бошқа мутахассис-
ликлар бўйича аспирантлар
тайёрлаш киритилган эди.
Иброҳим Мўминовчи ака-
демия президенти Ҳабoб
Мўхаммадовчи Абдуллаев ва
президиумнинг бошқа аъзо-
лари билан биргаллик бюро-
кратизмини бартараф қилиш-
га қаратилган қатор чоралар
қабул қилган, раҳбар лаво-

знимларга ўшанда ёш олим-
лари М. Хайруллаев, М. Ва-
ратов, О. Умурақова, А.
Валиев, Х. Пулатов, М. Аб-
дураев ва бошқалар тайинлан-
ган эдилар. Иброҳим Мўми-
новчи керакмас мажлисбoли-
гини ёқтирмас ва барча
масалаларни ишбилармонлик
билан ўз вақтида ва мойида
ҳал этилишини талаб қилар-
ди.
У киши декоратив, даба-
далари ва баландпарвоз
нутқларини ёқтирмас, ўзига

ТУГУНЧАДАГИ ОЛТИН

га элтидиган автобус охириги
тўри кишини олиб кўнани
ағдаришда халқор аниқтў-
лар бoжхона постини аниқтў-
ри Уктаган Шодмонов пайдо
бўлди. Болғи йўловчининг
бесаранжомлиги билан бoж-
хона ходимлари диққатини
торди. Текширув аппарати-
ни у энг охирида ўтди. Ан-
парат унда металл буюмлар
борлигини кўрсатмади. Қўл
суммаси — дипломатика ҳам
шубҳали аш йўқ эди. Уни
яна бир марта аппарат орқа-
ли ўтказишди, топ-тоза.
Йўловчиларни тайёрагоҳ-

ПИЛЛАКОРЛАР
МАРРАГА ЕТИШДИ

Деқончилик ишларининг
барқаси қўлга киритилди-
ган қалбақларнинг дебoчаси,
чинглиқ ҳосил — пилла ҳир-
жалларнинг мўлғили билан
нозоҳланди.
Наманган вилоятининг За-
дарё тумани кузум тола
инқодкорлари республикада
биринчилар қатори талаба
маррасига етидилар. 30 май
куни режадаги 96 тонна
сархил пилла қабул қилиш
пунктиларига етказиб берил-

РАҲИМЖОН ИРСОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

М. ФАЙЗИЕВ,
юрдич фаилари доктори,
профессор.

металл қўймалари чинди.
Экспертга қўймаларнинг 3
килограммдан ортироқ соф
олтин эканини аниқлади.
Мусодара этилган олтин
ҳозирги нарҳда 30 миллион
сўм туради. Қимматбаҳо
«хазина» эгаси Ашoт Ха-
чатурян 1954 йилда турилган.
Арманистон фуқароси экан.
Унинг устидан жинойи иш
қўзғатилди.
Х. ОЛИМЖОНОВ,
П. НИЩОНОВ,
(ЎзА).

ЭЪЛОНЛАР

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ФУТБОЛ ХЎЖАСИЗЛИКНИ ХУШЛАМАЙДИ

ҚАРИИБ ярим ойлик таърифдан сўнг республикамиз футбол жамоалари яна биринчида учун ишил майдонга тушдилар...

Шу турнинг қолган учрашувларида куйидаги натижалар қайд қилинди: «Трактор» — МХСК — 1:2, «Кожонсой» — «Нурафшон» — 1:3, «Чирчиқ» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Шифокор» — «Политотдел» — 1:2, «Наврўз» — «Динамо» — 2:0.

Биринчи табақа вакиллари ҳам 11-тур учрашувларини ўтказишди. Турнир пешқадами Марғилоннинг «Атласчи» жамоаси Бухорода «Ситора»ни 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди...

Франциянинг «Олимпик» жамоаси Европанинг энг нуфузли кубоги соҳиб бўлганлигини маълум қилган эди. Бу жамоа ўша ҳафтада яна бир кубокни қўлга киритди...

Иккинчи бўлимда ҳам қўндалдилар «Пахтакор»га нисбатан ҳужумкор ўйин кўрсатдилар...


Қўндалдилар «Пахтакор»дан бир очко олиб ўз қўндаллигига ёрдам бердишди. «Пахтакор» билан турнир жадалларида нима-из келаётган Фарғонанинг «Нефчи» жамоаси ўз майдонда «Янги»ни қабул қилди...

Наманганнинг «Навбахор» жамоаси ҳам бу турда яқин талабга эришди. Ўлар ўз майдонда Нукуснинг «Орол» жамоаси дарвинга тўққузга ҳисобга келди...

Table with 10 columns: Rank, Team, Goals, Assists, Points, etc. for the first division.

Оғир атлетика ХАМЮРТИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

ЯНА БИР вакилимиз — фарғоналик Александр Манушев Ўзбекистон довурагини оламга ёйди. Чехиянинг Чес шаҳрида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида у олтин медални қўлга киритди...



Теннис «УЛУҒБЕК ЮЛДУЗЛАРИ»

БУЮК ОЛИМ ва мунажжим Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган теннис бўйича Самарқандда ўтказилган халқаро турнир шундай ном билан аталди. Унда республикамиз теннисчилари билан бирга МДХ спортчилари ҳам иштирок этдилар...

давом этган бу мусобақада тошкентлик Д. Томашевич (эркаклар ўртасида) ҳамда унинг ҳамшахри Т. Федорова (айёллар ўртасида) «Улуғбек юлдузлари» бўлишди. Жўфлик баҳсларида ҳам Д. Томашевич Т. Рахмова билан барга голуб чиқди.

Шоҳмот БУХОРО ВАКИЛАСИ ЧЕМПИОН

АЕЛЛАР ўртасида Ўзбекистон 51-чемпионати баҳслари якулланди. Сўнгги турга қадар чемпион ким бўлиши аниқланмади. Бу чемпионатнинг гонг қилди қарли, кескин кураш остида ўтказилган даволат беради. 12-турда пешқадам О. Имом тўздан И. Каюмовдан мағлубиятга учради...

тошкентлик Ольга Парфёновага эса иккинчи ўрин насиб қилди. Гроссмейстер Александр Ненашевнинг рафиқаси Рина Мамедова эса 8,5 очко тўплаган ҳолда учинчи бўлди. Яна бир шоҳматчилар олинсининг вакили Луиза Блодштейн чемпионатда ўта муваффақиятсиз қатнашди. У барча имкониятларини бой берди. Унинг турмуш ўртоғи Борис Блодштейн ҳам Ўзбекистон чемпионатида муваффақиятсиз донна сурб, 16 шоҳматчи ўртасида 14 ўринни эгаллаган эди.

Утган йилги наманганлик чемпион спорт усталигига номзод Анжела Хейга эса 5,5 очко тўплаб турнир жадалларида тошкентлик И. Горшкова билан 10-11 поғоналарни баҳам қилишди.

мотчи Дмитрий Қаюмовнинг рафиқасидан ҳам яхши натижа кутишган эди. Бирок Ира самарқандлик Лола Шакарова каби мавсум сўнгига 5,5 очко тўплаган ҳолда келиб, у билан саккизинчи ва тўққизинчи ўринларини бўлишиб олди.

Table with 10 columns: Rank, Name, Points, etc. for the chess tournament.

Ўзбекистон кимё-фармацевтика ишлаб чиқариш биразимаси

Жумҳуриятимизнинг барча табиий мусоалари билан ўз мавқолатларини сотиш мавқолида 1993 йилга шартномалар рўқийлаштиришни давом эттиромизда. БАЛГАМ КЎЧИРУВЧИ Ликорин гидрохлорид 0,0002 №50 - таблеткалар...

КОНСОРЦИУМ ТЕКНЕСТС = INFO

Янги келган маҳсулотлар IBM PC/AT - 286, 386, 387 неғизда дастурий-техникавий мажмулар. «MBL», «UNIMEX» фирмасининг 5,25 дискетлари.

«БУТРИК ЛТА» қўшма корхонаси

«Шльастшина» акционерлик жамоатининг Ўзбекистон бўйича расмий дистрибуторидир. Корхона Тошкентнинг ошборлардан «BAZ-207», «TAZ-3», «КАМАЗ», «MAZ» маркали автомобиллар ҳамда турли модификациядаги тракторлар учун пиналлар сотади.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ ҚУРИЛИШ БАНКИ

1993 йилда банкнинг даромади 6 970 342 минг сўмини ташкил этди. Бугунги кунда банкнинг кредит ресурслари 464 миллиард сўмдан ошиб кетди. Бу хозирги шороитда ҳам акционерларнинг доимий фойда олишларини тазминлайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИИ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ А. АБДУРАҲМОНОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКУМИ 1993—94 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИГА ҚУИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎИИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

- 1. Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси. 2. Трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш. 3. Устин кийимларни лойиҳалаш ва моделлаштириш.

9-синфни битириб 1 курсга кирувчилар 9-синф ҳажмида қуйидаги фанлардан имтиҳон топирадилар: 1. Ова тили (диктант). 2. Математика (оғзаки).

Киринш тўғрисида ариза кирувчилар директори номига кирувчи томондан таянган ихтисоси кўрсатилган ҳолда ёзилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топирилади: 1. Маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси).

Кундузги бўлимга 9-синф маълумотига эга бўлганлардан — 1 июндан 31 июлгача; 11-синф маълумотига эга бўлганлардан — 1 июндан 15 августгача аризалар қабул қилинади.

Ўзбекистон кимё саноати тармоқлари ходимларининг насаба уюшмаси

Ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати жамоаси Ўзбекистон Республикаси Маъбуот давлат қўмитаси раисининг муовини Р. Ҳакимова отаси Нишонали ҲАКИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи НАРОДНОЕ СЛОВО TELEFONLAR: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (маъхул сўзи), Эркин ВОҒИДОВ, Мирқалил МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари), «Народное слово», Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлаҳмак РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (маъхул сўзи), Шавкат ЯҲҲЕВ, Пирнурқул ҚОДИРОВ, Мухаммадjon ҚОРАБОВ, Сидоҳдор ГУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй. ● Тахририятга ҳажини 7 қозғадан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга эъза жавоб қайтарилмайди.